



ОИЛАНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА НИСБАТАН МУНОСАБАТИ

Ойбек Абдусаломов

Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22011253>

Аннотация. Мақолада оиланинг давлат органлари фаолияти ва давлат хизматига муносабати, аҳолининг давлат муассасаларидан қониқиш даражаси ҳамда бу омилларнинг оила бахтлилигига таъсири таҳлил қилинган. Оилавий муносабатлар, моддий фаровонлик, соғлом турмуш, ижтимоий фаоллик ва давлат хизматларига ишонч бахтлилик даражасини белгиловчи муҳим омиллар сифатида ёритилган.

Калит сўзлар: оила, давлат органлари, давлат хизмати, бахтлилик индекси, ижтимоий адолат, аҳоли қониқиши, оилавий муносабатлар, ижтимоий фаровонлик.

Аҳолининг давлат муассасаларининг фаолиятидан қониқиш даражаси тадқиқот давомида асосий индикаторлар қаторида ўрганилди. “Жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг доимий рўёбга чиқарилиши инсон, ижтимоий гуруҳлар ва жамият ўртасидаги барқарор муносабатлар ҳамда ижтимоий тараққиётни таъминлайди. Бугунги кунда жамият ижтимоий ҳаётидаги кескин ижобий ўзгаришлар ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш, турмушини янада фаровон қилиш ва бахтли яшашига қаратилган ижтимоий манфаатларини таъминлайди, инсон шаъни ва кадр- қимматининг улуғланиши, олий қадрият даражасига етказилиши ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қилади”. Олинган натижалар респондентларнинг давлат муассасалари фаолиятидан қониқиш даражаси Олий мажлис фаолиятига нисбатан юқори (+0,6) эканлигини, энг куйи кўрсаткич эса портал ва халқ қабулхоналари фаолиятига нисбатан берилганлиги (+0,36) мазкур йўналишда хизматлардан қониқиш даражасини янада ошириш зарурати мавжудлигини кўрсатади..

Давлат органлари фаолиятига берилган баҳолар нуқтаи назаридан шуни айтиш мумкинки, аҳолининг маълум бир қисми айрим давлат органлари фаолиятидан қониқсада, респондентларнинг муайян қисмида айрим давлат органлари фаолиятига нисбатан қониқиш даражаси нисбатан паст эканлиги кузатилди, мос равишда бу борадаги умумий индекс кўрсаткичи нисбатан пастроқ эканлигини кўриш мумкин.

Фарғона вилояти аҳолисининг бахтлилик даражасига таъсир қилувчи салбий жиҳатлар оилавий ҳаётнинг барча жабҳасида (индикаторлар асосида) у ёки бу даражада мавжудлиги аниқланди. Шунга кўра, соғлом ҳаёт кечириш (+0,3) ҳамда давлат органлари фаолияти ва давлат хизматига нисбатан муносабати (0,45) соҳаларида аҳолининг бахтлилик даражасига салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатлар устунлик қилаётганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшларнинг бахти ҳақида шундай деган эди: “Биз ёшларга оид давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”. Шундай экан, оилаларнинг бахтлилик индексини шакллантиришда бошқа усуллар билан биргаликда оилаларнинг ўз бахтлилик даражасини баҳолаш натижаларини ҳам қўллаш мумкин. Бу ёндашув инсонларнинг ўз оилаларининг бахтлилик даражасини қандай ҳис қилишларини акс эттириши боис бахтлилик индексини тўлақонли бўлишига хизмат қилади. Бахтлилик даражаси юзасидан оилаларнинг бевосита баҳосидан ташқари бу даражага таъсир



этадиган омилларни ҳам ўрганиш зарур эканлигини инобатга олган ҳолда тегишли таҳлил олиб борилди ҳамда ушбу индексга оилаларининг жипслик даражаси, оилада эр ва хотиннинг ўзаро тушуниш даражаси, оилада қарор қабул қилиш эркинлиги, оилада аёлнинг ҳуқуқлари таъминланганлик даражаси, оиланинг моддий ҳолати, турар-жой шароитлари, оилада хиёнат юз бериши эҳтимоли каби омиллар таъсир этиши аниқланди. Атоқли педагог Мухаммаджон Қуронов ёзади: ““Миллий тарбия тизими – бу ҳар бир халқнинг ўзига хос менталитети, феъл-атвори, ахлоқ-одоб қоидалари ва миллий ғоя тамойилларига асосланган педагогик жараёндир. Миллий тарбия ҳар бир халқда, шу жумладан, ўзбек халқида азалдан шаклланиб, сайқал топиб келган. Чунки ҳар бир халқнинг тарихи – ўша халқ тарихи қадриятларига асосланган миллий тарбия тарихи ҳамдир”. Ушбу хулосаларга таянган ҳолда бахтлилик индексининг субъектив қарашлар билан боғлиқ бўлмаган омилларини яхшилаш орқали оилаларнинг бахтлилик даражасини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Улар биринчи навбатда оилавий ажралишларга олиб келадиган омилларни бартараф этиш, оилаларининг даромадларини яхшилаш, аҳолининг турар-жой билан таъминлашга қаратилган давлат дастурларини кўламини кенгайтириб бориш каби чора-тадбирлар ўз ичига олиши зарур.

Оилаларнинг асосий қисми ўз оилаларининг бахтлилик даражасини юқори баҳолайдилар, айниқса, юқори баҳолар эркаклар учун характерли. Шунингдек кишлоқ оилалари орасида оиланинг бахтлилик даражасини юқори баҳолайдиганлар шаҳар жойларига қараганда кўпроқ. Бахтлилик индексини ўлчашда туғилишда кутилаётган умр давомийлиги кўллаш мақсадга мувофиқ, чунки мазкур кўрсаткич жамлама ёки ҳосилавий хусусиятга эгадир, яъни у инсоннинг узр кўриш давомийлигига таъсир этадиган бир қатор омилларнинг ҳолати ва таъсирини ўзида мужассамлаштиради. Бу муҳим омиллар сирасига, биринчи навбатда, инсоннинг рухий, жисмоний ҳолати, саломатлиги, хавфсизлик даражаси кабилар қиради. Бу омиллар ўз навбатида инсоннинг ҳаётдан қониқиши, бахтлилик даражасини ифодалайди. Индикаторнинг муҳимлигининг яна бир исботи уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон салоҳияти ривожланиши индексининг учта асосий кўрсаткичидан бири эканлигидир.

Шаҳарда ва кишлоқ жойларида турмуш кечирадиган аҳолининг туғилишда кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичида ҳам муайян фарқлар мавжуд: шаҳар аҳолиси учун бу кўрсаткич кишлоқ аҳолисига қараганда юқорироқ. Таъкидлаш жоизки, шаҳар ва кишлоқ кўрсаткичлари орасидаги фарқ чуқурлашиб бормоқда. Шубҳа йўқки шаҳар ва кишлоқ ўртасидаги фарқлар биринчи навбатда турмуш сифати, овқатланиш сифати ҳамда соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларидаги фарқлар асосида юзага келади. Шу боис шаҳар ва кишлоқ ўртасидаги туғилишда кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи фарқларнинг кучайиши кишлоқ жойларида аҳолининг турмуш сифати ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш заруратини яққол кўрсатиб беради. Бахтлилик ҳиссида физиологик омилни намоён бўлиши инсонда одатда нейротрансмиттерлар (дофамин, серотонин ва бошқалар) ижобий ҳиссий кайфиятни келтириб чиқаради. Маълумки шахсда яхши кайфиятни махсус кимёвий воситалар, шунингдек мақсадга мувофиқ фаолият яратиши мумкин. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш эндорфинларнинг фаоллашиши билан боғлиқ "атлетик кўтаринкилик"ни келтириб чиқаради. Бошқа турдаги ижобий ҳис-туйғуларни гиёҳванд моддалар кўзғатиши мумкин, масалан, алкоғол ташвишлардан халос бўлишлик ҳиссини берса, марихуана организмни кўзғалишга олиб келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”, деб таъкидлаган. Шундай болаликданок бахтли яшашга йўналиштириш муҳим аҳамиятга эгадир. “Шахс эркинлиги, яшашдан мақсад,



бахт ва масъулият, динга қизиқиш каби масалаларни идрок этиш айнан шу ёшда юқори даражага кўтарилади”. Шундай экан базавий(асосий) эҳтиёжлар қаторида бўлган оиладаги ижобий муносабатлар кимгадир кераклиги, кадрланиш, ҳурмат, ҳаёт мазмуни каби ҳисслар асосида бахтлиликни ҳосил қилса, оиладаги ижобий муносабатларни шаклланмаганлиги ёки уларни пароканда бўлиши кўпинча шахсда бахтлилик ҳиссини сунъий йўл билан кидиришига олиб келади.

Мулоқот ва ижтимоий муносабатларга кўра севги, меҳр муҳаббат кучли қувонч манбаи эканлиги ва умуман олганда барча ижтимоий муносабатлар бахт ҳиссига таъсир қилиши маълум бўлди. Экстравертлар ажойиб ижтимоий кўникмалар ва одамлар билан тез-тез алоқа қилишгани учун улар ўзларини бахтли ҳис қила оладилар. Бошқалар билан айниқса оила даврасида, яқинлари билан мулоқот қилишдан завқ олиш - бу шахс қувончининг асосий сабабларидан бири: инсоннинг кайфиятини кўтаришга қодир ва у мулоқотга интилиш мотивациясини таъминлайди. Демак бахт ва ижтимоийлик ўртасида яқин муносабатлар мавжудки, бу ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши шахсда ўз кадр-қимматига бўлган ижобий муносабат ёки болаликдаги оилавий яқин муносабатлар хотиралари билан боғлиқ бўлиб бу ҳиссларни оилавий муносабатларда шаклланган қадриятлар таъминлаб беради.

Объектив эҳтиёжларни қондириш таҳлил қилинганда пул одамлар жуда камбағал бўлса ёки жуда камбағал мамлакатда яшаса, уларни бахтли қилади; уй, иш, турмуш ўртоғи, соғлиғи бўлиши билан бир хил рол ўйнайди - буларнинг барчаси бахтлилик ҳисси келтиради. Аммо кўпчилик одамларда ушбу ҳолатни ўтмиш ёки бошқаларнинг ҳолати билан таққослаш асосида намоён қилиши билан белгиланади. Бахтнинг когнитив омилларига назар ташласак инсон ўзини ундан юқори ёки яхши эмас мавқега эга бўлмаганлар билан таққосласа, ҳаётдан қониқиш юқори баҳоланади. Бироқ, шуниси қизиқки одамлар кўпинча ўзларининг таққослаш объектларини танлайдилар ва бахтли бўлганлар пастдан юқorigа таққослашдан фойда кўришади. Бу эса инсон ҳаётидаги эришиш ва интилиш ўртасидаги фарқ қониқишга салбий таъсир қилади.

Шахс учун ҳаётда мақсадга эришиш, ижтимоий фаолликни намоён қилиш, ўз ўзини кадрлаш ёки оилавий муносабатларда кадрда, ҳурматда бўлиш инсонга ўзини ўзини кадрлаш эҳтиёжини қониқиши орқали ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради. Бу эҳтиёжлар ишдан қониқиш, ўз қобилиятларини қўллаш ва вазифаларни муваффақиятли бажаришга боғлиқ. Худди шу нарса спорт ва бошқа бўш вақтни ижобий унумли ўтказиш учун ҳам амал қилади. Бундай фаолиятдан олинган "ички қониқиш" деб номланган ҳолат мавжуд. Буни қондириш манбалари шахсий эҳтиёжлар, оилавий эҳтиёжлар, ўз кўникмаларини қўллай олиш, оилавий муносабатлардан ва мақсадларга эришишдан завқланишдир. Ўзбекистонда бахтлилик индексини жорий қилишда қуйи поғонада оилаларнинг бахтлилик индикаторларини ишлаб чиқишдан бошлаб, маҳаллаларда низоли оилалардаги ажралишларни олдини олишда ҳамда маҳалладаги масъул шахсларни фаолиятларини мониторинг қилишдан бошлаб, синов тариқасида пилот ҳудудларда жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳамда хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланиш ўринли.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 2022 йил 1 январь ҳолати.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент, 1993. -Б. 165-166.
3. Азизов Х, Яхшиев А. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва долзарб вазифалар. - Тошкент: Маънавият, 2011. -Б. 29.